O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 2-mart • Seshanba • 26 (30.146) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Б.Ю.Ходиевни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Баходир Юнусович Ходиев Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ж.Г.Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Жаҳонгир Ғафурович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А.А.Абдуҳакимовни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлаш тўғрисида

Азиз Абдуқаҳҳорович Абдуҳакимов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқлансин, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 март

Муносабат

Ижодий камолотга даъват

Мамлакатимизда ёш ижодкорлар, истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ишларига тобора катта эътибор қаратилмоқда. 2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилингани, муҳтарам Президентимизнинг куни кеча «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бу ғамхўрликларнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Тўғриси, бутун ер юзи бўйлаб иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда ижодкорларнинг яшаш ва ижод қилиш шароитларини яхшилаш, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, биз ёш ижодкорларни бениҳоя қувонтирди.

Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ёш адибларнинг ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этишда молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилингани бизга катта куч-ғайрат, илҳом бағишлади. Шунингдек, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг муносиб намуналарини хорижий тилларга таржима қилиниши ҳамда интернетда тарғиб этишни молиялаштириш масалалари бутун ижод аҳлига, айниқса, ёш қаламкашларга кўрсатилган жуда катта маънавий ва моддий ёрдам деб биламиз. Бу каби рағбатлар биз ёш ижодкорлар учун катта имкониятлар эшигини очади, янгидан-янги изланишларга ундайди.

Бу эътибор ва ғамхўрликка жавобан биз ёш ижодкорлар ўз асарларимизда мустақиллик имкониятлари, замондошларимизнинг қалб туғёнлари, қаҳрамонона меҳнатларини тўлақонли ёритишга ҳаракат қиламиз. Бутун қалб қўримиз, истеъдодимизни миллий маданиятимиз юксалишига, она Ватанимиз тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида сарфлаймиз.

Озода ТЎРАҚУЛОВА,
Беҳзод ФАЗЛИДДИН.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Инновацион ғоялар — тараққиёт асоси

Тошкентда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар III Республика ярмаркаси иш бошлади

Президентимизнинг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш йўлидаги муҳим омиллардан бири саналадиган ушбу ярмарка бу йил учинчи бор ўтказиляпти.

Аввало, олдинги ярмаркалар натижалари ҳақида: 2008 ва 2009 йилларда ўтказилган ярмаркалар доирасида 740 та шартнома имзоланган. Илмий ташкилотларга жами етти миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилган. Инновация ғоялар ва лойиҳалар тақдимотини ташкил этиш, корхоналар ва ихтисослашган фирмаларнинг илмий-техника соҳасидаги инновация фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, илмий ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш каби вазифалар қўйилган ушбу тадбирда саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, фан ва таълим йўналишларида турли вазирликлар ва бошқа идоралар тасарруфидаги илмий тадқиқот, олий таълим, тажриба конструкторлик ташкилотлари, кичик инновация корхоналари ва ихтирочилар ўз технологиялари, ғоялари ва ишланмалари билан иштирок этяпти.

Мазкур ярмарка ҳақидаги таҳлилий мақола билан газетамизнинг навбатдаги сонида танишасиз.

(Ўз мухбиримиз.)

Сиёсатчи унинг вазифаси нималардан иборат?

Рақамлар ростини айтади

Баҳор берар биз кутган бахтни

✔ *2010 йилда ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.*

1 САВОЛГА ЖАВОБ

Бугуннинг депутати қандай бўлиши керак, ундан нималар талаб этилмоқда?

Аброр СУЛАЙМОНОВ,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати:

— Бугунги кун депутати одамлар дардини ўзиники деб биладиган шахс бўлиши керак. Депутат ўзи сайланган ҳудуддаги муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни маҳаллий Кенгашлар, тегишли ижро этувчи органлар олдига қўйиб, ижобий ҳал этмагунча тиниб-тинчимаслиги зарур. Тўсиқларни енгиб ўтишга қодир бўлиб, қийинчиликдан чўчимаслик керак. У аввало партиямиз Дастури, сайловолди ҳужжатлари, ўзининг махсус иш режаси асосида фаолият юритиши лозим.

Шу билан бирга, депутат қонунлар ижросини назорат қилиш, ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга тушунтириб бериши даркор. Аҳолини қонун ва қарорлар билан мунтазам таништириб бориш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан биридир.

Энг муҳими, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, сайловчилар билан мунтазам, тизимли ишлаш ҳамда улар иродасини вакиллик органида ифода этишдир.

Буларнинг барчаси депутатдан катта масъулият талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 2 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1381,87	1 Польша злотийси	532,09
1 Англия фунт стерлинги	2474,67	1 СДР	2360,22
1 Дания кронаси	281,63	1 Туркия лираси	996,01
1 БАА дирҳами	419,30	1 Швейцария франки	1433,12
1 АҚШ доллари	1540,03	1 Евро	2160,05
1 Миср фунти	280,57	10 Жанубий Корея вони	13,29
1 Исландия кронаси	12,00	10 Япония иенаси	172,88
1 Канада доллари	1463,77	1 Россия рубли	51,42
1 Хитой юани	225,62	1 Украина гривнаси	192,74
1 Малайзия рингити	454,42		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Дунё бўйлаб

Лондон	10°С
Париж	11°С
Москва	-3°С
Мадрид	15°С
Пекин	8°С
Гонконг	28°С
Рим	14°С
Анқара	8°С
Токио	17°С
Стокгольм	-2°С
Кейптаун	25°С
Қоҳира	22°С
Гавана	30°С
Вашингтон	2°С
Нью Йорк	4°С

2 март об-ҳавоси



Юртимизда

Тошкент	4°С
Самарқанд	3°С
Нукус	1°С
Қарши	5°С
Урганч	2°С
Навоий	2°С
Фарғона	4°С
Бухоро	3°С
Андижон	4°С
Наманган	4°С
Термиз	6°С
Жиззах	3°С
Сирдарё	4°С
Тошкент вил.	4°С

Кўпчиликни ўйлантирган савол ҳақида мулоҳазалар

СИЁСАТЧИ

унинг бурчи, вазифаси,жамиятда тутган ўрни нималардан иборат?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимиз Президенти сиёсий партиялар раҳбарларидан бирига ушбу саволни берганида, бунга ҳамма ўзича жавоб излагани табиий.

Бир қарашда бу саволларга жавоб топиш унчалик мураккаб эмасдек туюлади. Аммо, ўйлаганинг сари савол салмоғи оғирлашиб бораверади...

Сиёсатчи кимлиги, унинг зиммасидаги вазифалар ҳақида гапиришдан олдин Сиёсатнинг ўзи нималигига аниқлик киритиб, бу борадаги қарашларимизни тиниқлаштириб олсак, тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Дунё тарихидан маълумки, сиёсатсиз бирор давлат, бирор жамият яшай олмайди. Аниқ сиёсатга асосланмаган давлат денгиз ҳукмида қолган кемага ўхшайди.

Сиёсат — мақсадни белгилаш, йўлни танлаш, ягона маслак учун кураш.

Замон ўзгаради, жамият ўзгаради, сиёсат ҳам шунга қараб ўзгариб бораверади. Аслида замонни ҳам, жамиятни ҳам сиёсат ўзгартиради. Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятида сиёсатни халқ хоҳиш-иродаси белгилайди. Айни пайтда сиёсий кучлар, зиёлилар, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари бу жараёнларга сезиларли таъсир ўтказади.

Ҳар бир давлатнинг бош сиёсий йўли бор. Ана шу бош сиёсат остида турли катта-кичик сиёсатлар юритилади. Сиёсат эзгу мақсадларга ёки ёвуз ниятларга қаратилган бўлиши мумкин. Бу ўша сиёсат ортида турган шахснинг, кучнинг мақсади, мафкураси билан боғлиқ. Мутахассислар фикрича, сиёсат — бу давлат бошқаруви санъати. Ушбу сиёсатни юритадиганлар сиёсатчи ҳисобланади.

Биз халқимиз хоҳиш-иродаси, орзу-умидларидан келиб чиқиб, сиёсатимизни аниқ белгилаб олганмиз. Энг олий мақсадимиз — Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги. Барча саъй-ҳаракатларимиз — сиёсатимиз ана шу улуғ ниятларга қаратилган.

Бироқ ҳаммамизга маълумки, бу жараёнда кутилмаган муаммолар, ички-ташқи тўсиқларни енгиб ўтиш, ҳар хил хуружлардан мамлакатимизни ҳимоя этишга тўғри келмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида, ахборот технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб бораётган бир пайтда мамлакатимизга нисбатан уюштирилаётган мафкуравий хуружлар, турли геосиёсий тўқнашувлар тобора авж олиб бормоқда. Узоқ-яқинда, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар мамлакатимиз манфаатига қай даражада мос ёки зидлиги ҳақида халқимизга ким тушунтиради? Жаҳон сиёсат майдонида бўлаётган ўйинлар ортида нималар тургани, икки давлатни бир-бирига қайраётган учинчи давлатнинг асл мақсади нимадан иборатлигидан одамларни, ёшларимизни ким огоҳ этади? Бу таҳдидларга қарши ким курашади?...

Президентимиз саволи, назаримизда, бевосита сиёсий партиялар фаолияти, депутат ва сенаторларимизнинг бу борадаги бурчи ва масъулиятига қаратилган эди. Тўғрисини айтганда, бу савол ўз вазифамиз, бурчимиз ҳақида янада чуқурроқ ўйлаб кўришга туртки бўлди.

Аввало, шуни айтиш керакки, орамизда сиёсат — бу давлат бошлиқлари, сиёсатшунос олимлар ва журналистларнинг иши, деб қарайдиганлар йўқ эмас. Сиёсий партиялар етакчилари, аъзолари, депутатлар, айниқса, маҳаллий кенгашлар депутатлари орасида ҳам ўз вазифасини бир ёқлама, юзаки англайдиганлар учрайди. Улар мамлакат ёки халқаро даражадаги сиёсатга ўзларини дахлдор эмасман, деб ўйлайди. Катта-кичик амалдорлар эса раҳбарликни ишлаб чиқариш билан боғлиқ юмушлар доирасида тушунади.

Маълум бир ҳудудда одамлар тақдирига масъул раҳбар нега сиёсатчи бўлмаслиги керак? Аҳолининг тинчлиги, тотувлиги, эртанги кунга ишончи, давлат сиёсатига муносабати айнан маҳаллий раҳбарларнинг сиёсий ҳушёрлиги, сиёсий маданияти даражасига боғлиқ-ку. Айниқса, замон шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги шароит ҳар бир раҳбардан ўта зийрак бўлишни талаб этмоқда. Афсуски, фикр айтишдан ўзини четга олиш, сиёсий баҳс-мунозарадан ҳайиқиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Кишини қаттиқ ўйга толдирадиган воқеаларга дуч келган пайтларимиз ҳам бўлган. Айрим раҳбарлар «Мен матбуот саволига жавоб беришга мажбур эмасман», деган кайфиятда юради. «Биз давлат идорасимиз, сиёсий партия газетаси ишимизга нега аралашади?», дея ўзининг савиясини билдириб қўйганларни ҳам учратдик.

Ўтган йили бир туман ҳокимидан ижобий мавзудаги масала юзасидан фикр билдиришини сўрагандик, «ўринбосарим билан гаплаша қолинглар», деб рўйхуш бермади. Бу мақолада айнан унинг фикри зарурлигини айтсак-да рози бўлмади. «Мен интервью бермасликка қасам ичганман», деди.

Бир йили тележурналист ҳамкасбимиз жуда ғалати аҳволга тушганига гувоҳ бўлганмиз. Муҳим масаладаги йиғилиш охирида у бир раҳбардан интервью олмоқчи бўлди. Раҳбар кўнмади. Мухбир илтимос қилиб туриб олди. Шунда ҳалиги раҳбар тележурналистга қараб ялинган оҳангда «Ака, мен сизга нима ёмонлик қилувдим?», деди.

Бу билан ҳамма раҳбарлар интервьюдан қочади, деган фикрдан йироқмиз. Айниқса, кейинги пайтларда бу масалада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Муносабат билдиришдан қочиш, сиёсий баҳс-мунозарага киришишдан тортинишнинг, назаримизда, асосан иккита сабаби бор. Биринчиси — бехабарлик. Ён-атрофида, дунёда бўлаётган янгилик ва ўзгаришларни кузатиб бормаган, ҳаёт кўндаланг қўяётган муаммолардан огоҳ бўлмаган одам қандай қилиб фикр айтиши мумкин? Бундайлар одатда ўзларини жуда ишчан кўрсатиб, газета ўқиш, телевизор кўришга вақтлари етмаслигини баҳона қилишади.

Иккинчи сабаб — бу яқин ўтмишдаги мустабид тузум иллатлари билан боғлиқ. Совет ҳокимияти даврида фақат юқоридан — собиқ марказдан берилган топшириқларни бажаришга ўрганиб қолинган эди. Қарору қонунларни кимлардир қабул қиларди, қандай ишлаш, яшашни ҳам улар белгилаб беришарди. Биз эса итоат этишга мажбур эдик. Мобода кимдир ўз муносабатини билдирса, сиёсатга қарши одам сифатида жазога тортиларди. Миллат манфаатини ҳимоя қилиб чиққан ватанпарвар зиёлилар аёвсиз қатағон қилинарди. Ҳатто кичкина даврада шивирлаб норозилигини айтган одам ҳам жазодан қуруқ қолмасди. Бунинг оқибатида сиёсий фикр юритиш, у ёки бу воқеага шахсий муносабат билдиришдан одамлар қўрқишарди. Ота-оналар болаларига «зинҳор сиёсатга аралашма», деб маслаҳат берарди.

Ҳозир ҳам баъзан давраларда оддий бир одам сиёсат ҳақида гап очса, бошқаси «Нима қиласан сиёсатга аралашиб, ўзингнинг ишингни қилсанг-чи», деб танбеҳ беради. Ўтган замондан қолган бундай қарашлар онгини тарк этмаган одамлар назарида сиёсатни кимлардир олиб боради. Ўша кимлардир ким ўзи? Катта-кичик раҳбарлардан тортиб, партия аъзоларию, фаоллари, депутатлару, журналистлар, биз ҳаммамиз эмасми? Мамлакатимизни ички ва ташқи ғанимлардан ҳимоя қилиш, унинг тараққиёти йўлида фидойи бўлиш туйғуси, миллий ғурур ҳар биримиз кўксимизда чақнаб туриши керак эмасми?!

Давлатнинг, жамиятнинг тинчлиги, тараққиёти, куч-қудрати фуқароларининг сиёсий онги, маданиятига бевосита боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўп марта исботлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, шу кунгача не-не синовларга дуч келганимизни таҳлил қилсак, бунга яна бир бор иқрор бўламиз. Президентимизнинг хавф-хатарни олдиндан кўра олиш идроки, сиёсий ҳушёрлиги халқимизни кўпдан-кўп бало-қазолардан асраб қолди. Мамлакатимиздаги бугунги тинчлик, осойишталик, изчил тараққиёт, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонимиз нуфузи тобора ошиб бораётгани замирида ҳам узоқни кўриб юритилаётган оқилона сиёсат турибди.

Йўлбошчимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида нафақат бизни, балки бутун дунёни огоҳликка чорлаб, «Хавфсизлик — узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз, ҳудудсиздир», деб таъкидлаган эди. Орадан икки йил ўтиб, 1999 йилда чоп этилган «Ҳушёрликка даъват» асарида бизни яна бир бор хавф-хатардан огоҳ этди: **агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга рахна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамайсезмай қолишимиз мумкин.**

Сиёсат — бу узлуксиз кураш. Манфаатлар кураши. Бу жараён воқеа-ҳодисалардан огоҳликни, яна бир марта огоҳликни талаб этади. Кўзингга қараб туриб ёлғон сўзлайдиганлар, кулиб туриб, душманлик қиладиганлар бор. Бир давлатга ёрдам бераётгандай, меҳрибонлик қилаётгандай бўлиб, аслида уни иккинчи қўшни давлатга қайраб, уларни бир-биридан ажратиб, охир оқибат ҳар иккаласини ҳам сиёсий-иқтисодий жиҳатдан ўзига қарам қилиб олишни кўзлаётганлар бор. Бунга тарихимиздан ҳам, керак бўлса, бугунги кунимиздан ҳам истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Сиёсатчи деганда фақат хавф-хатарга қарши курашадиган одамни тушуниш бирёқлама фикр юритиш бўлади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини халққа тушунтириш, одамларнинг дардини диққат билан эшитиш, уларни безовта қилаётган муаммолар ечимини топа олиш, оддий қилиб айтганда, одамларни рози қилиш ҳам муҳим сиёсат.

Президентимизнинг қўшма мажлисдаги маърузасида фаолиятимизга берилган баҳо, таҳлилий-танқидий фикрлар, илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, сиёсатчи сифатида лоқайдлигимизни инкор этолмаймиз. Сиёсатчи учун қандай мезон муҳим? Тажрибами, салоҳиятми, фидойиликми, журъатми? Бу ҳақда узоқ баҳс юритиш мумкин. Лекин оддий қилиб айтганда, Ватан тақдирига, Миллат тақдирига, эртанги кунга бефарқ бўлмаган одам сиёсатчидир.

Сафар ОСТОНОВ

Фракция фаолияти

Қонун ижодкорлиги

доимий изланиш, ҳаёт ўзгаришларини мунтазам таҳлил этиб боришни талаб этади

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ўтказилган давра суҳбати ҳам шу мақсадга қаратилди.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келиб, институтда малака ошираётган тиббиёт тизими ходимлари билан депутатларнинг мулоқоти амалий руҳда ўтди.

Дастлаб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев мамлакатимиз раҳбари ўртага қўйган масалаларни амалга ошириш вазифалари, депутатларнинг бу борадаги масъулияти ҳамда тиббиёт ходимлари билан қонун ижодкорлиги жараёнидаги ҳамкорликни такомиллаштириш ҳақида батафсил тўхталди. Шундан сўнг саволжавоб, фикр алмашув бошланди.

— Менда ҳам тиббиётга оид қонунлар, янги меъёрларни қабул қилиш юзасидан таклифлар бор эди, — дейди тадбирдан сўнг биз билан суҳбатда институтнинг педиатрия кафедраси ассистенти Санобар Каримова. — Масалан, кам таъминланган оилалардаги ҳомиладор аёлларни керакли миқдорда дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг мақбул тизимини яратиш зарур, деб ўйлайман. Шунда биз ногирон, хаста болалар туғилишининг олдини олишга жуда катта ҳисса қўшган бўламиз. Шу ва бошқа таклифларимни ёзма равишда ЎзХДП фракциясига албатта юбораман.

— Тиббиёт тизими ходимлари партиямизнинг электорати ҳисобланади, — дейди фракция аъзоси Комил Очилов. — Мен ҳам тиббиёт саҳаси вакилиман. Бугун ҳамкасбларим билан бўлган учрашувда фракциямиз аъзоларининг қонун ижодкорлиги борасидаги ташаббускорлигини оширишга хизмат қиладиган айрим масалаларни белгилаб олдик. Уларни албатта фракциямизнинг режасига киритамиз.

Ҳақиқатан ҳам қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда электорат муаммоларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Асли КАМОЛ

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти конференцияларида

Мустақил фикрга, бунёдкор ғояга эга

ёшлар бор экан, олдимизга қўйилган дастурий мақсадларимизга албатта эришамиз

Сергели туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг ҳисобот-конференциясида бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Истиқболчилар раиси Рустам Ниязов. туман бўлимининг икки йиллик фаолияти ва навбатдаги долзарб вазифалар ҳақида фикр юритди.

— Ўз олдимиздаги мақсадлардан келиб чиқиб, ҳамкор ташкилотлар билан бирга, кўплаб ишларни амалга оширишга ҳаракат қилдик, — дейди у. — Жумладан, туманимиздаги коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда мониторинг олиб борилди ва меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Шулар асосида 450 нафар ёш иш билан таъминланди.

Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Гиёҳвандликка қарши кураш ҳамда ОИТС салбий оқибатлари ҳақида коллеж ва маҳаллаларда саломатлик маркази мутахассислари билан учрашувлар ташкил этилди.

Ёшларимизнинг сиёсий онгини ошириш мақсадида 2008-2009 йилларда «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказилди.

— Бугунги конференцияда йўл қўйилган камчиликлар ҳам очиқ-ойдин таҳлил этилди. Қолаверса, аъзолари ўзларининг ижод намуналарини иштирокчиларга намойиш қилди, — дейди Тошкент шаҳар партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Жуманиёз Жуманиёзов.

Шунингдек, тадбир сўнггида уч нафар ёшга партияга аъзолик гувоҳномаси топширилди.

— Партияга аъзолик — сиёсий фаолиятга ташланган биринчи қадамдир, — дейди Нодира Турғунова. — Бу қадам бизга катта масъулият юклайди. Энг аввало, бундан буён сиёсий-ижтимоий жараёнларда бевосита иштирок этаман. Ҳуқуқий, сиёсий билимларимни ошириш билан бирга, ЎзХДП дастурий ғояларини ёшлар орасида тарғиб қилиб, партиянинг обрў-эътибори янада ошишига ҳисса қўшаман.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Репродуктив саломатлик

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамкорликда «Ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашда тиббий маданиятнинг назарий ва амалий асослари» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Унда тиббиёт олий ўқув юртлари, коллежлари, даволаш-профилактика муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

— Миллатнинг барҳаётлигини унинг жисмонан соғлом ва маънан баркамоллиги белгилайди, — деди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий ишлар бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдумалик Орипов. — Бу борада, айниқса, ёшларнинг репродуктив саломатлигига ғамхўрлик қилиш, ахолининг тиббий савиясини юксалтириш, келажак наслимизни соғлом ва баркамол инсон қилиб вояга етказиш бош вазифамиздир. Зеро, бугун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ана шундай эзгу мақсад мужассамдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, конференция қатнашчилари ёшларнинг репродуктив саломатлиги масаласида маҳалла, оила, хонадонларда миллий қадриятларимиз, саломатлик асосларининг қадим илдизларига асосланган соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тасодифан қўлимга ўтган асрнинг етмишинчи йиллари иккинчи ярмида чоп қилинган «Хоразм области» рисоласи тушиб қолди. Китобча ўша даврга хос бошдан оёқ КПССга ҳамду санодан иборат. Қизил фирқа раҳбарлигида вилоятда амалга оширилган «кўз кўриб, қулоқ эшитмаган муваффақиятлар» жамланган. Ундаги бир ўрин эътиборимни тортди. Гўёки, «шўро замонида гуллаб-яшнаган, одамлари бадавлат яшаётган» энг илғор, ибратли деб Боғот туманидаги Наримонов номли хўжалик кўрсатиб ўтилган.

Тараққиёт ва таққос

РАҚАМЛАР РОСТИНИ АЙТАДИ

Ўша рисоладан иқтибос: **«...колхозда 1300 оила истиқомат қилиб, аъзолари саккиз мингга яқин. 30 оиланинг ўз шахсий автомашинаси ва 500 кишининг мотоцикли бор. Телевизор, радиоприёмник, холодилниклар хизматидан ҳар бир оила баҳраманд».**

Гап ҳозирги Боғотдаги «Бешариқ» қишлоғи ҳақида кетмоқда. Тўғри, ўша замонда бу хўжалик республикамиздаги олд жамолардан бўлган. Бошқа колхозлардан фарқи юқоридаги рақамларда.

Истиқлол йилларида эса қишлоқда тиббиёт ватаси ишлаб чиқарадиган «Россия-Англия» қўшма корхонаси ишга тушди. Бу айнан шундай зарур матоҳ ишлаб чиқарадиган Марказий Осиёдаги ягона корхонадир. Бу ерда шу қишлоқнинг саксон нафар фуқароси муқим иш билан банд.

Ёки «Ҳамкортекс» корхонасини олиб кўрайлик. Бу ерда пахта толасидан жаҳоний андозадаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Кейинги йилларда қишлоқда иккита коллеж қуриб ишга туширилди. Икки мактаб замонавий биноларга кўчиб ўтди. Ёки қишлоқдаги ёшлар гимнастика марказида қишлоқ ёшлари спортнинг бу гўзал тури билан шуғулланиш имкониятига эга. Ўн минг нафар томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ яқинида жойлашган спорт мактаби ҳам янги бинода фаолият кўрсатмоқда.

Энди бир фурсат сўзни қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳомбой Рўзматовдан эшитсак: «Яқин-яқин вақтларда ҳам қишлоқнинг ҳар бир маҳалласида бир дўкон бўларди. Ҳозирда қирқдан ортиқ дўкон эл хизматида. Қишлоқ кишилари аллақачон узоқдаги шаҳарларга зарур товарлар учун қатнаш ташвишидан озод бўлишган. Ҳар маҳалланинг гузари бор. Тўйхоналаримиз ишлаб турибди».

Шу ўринда бехос юқорида эслатганимиз рисола ёдга тушиб, қиёсийлик қоидасига риоя қилмоқ бўламиз. Аввалида хонадонлардаги кундалик зарурий асбоб-ускуналар миқдори билан қизиқамиз. Қишлоқ оқсоқоли бу саволга ажабланади: «Бундай маълумотлар юритиш кулгили».

Аҳоли илкида бўлган енгил машиналар сони тўғрисидаги саволимиз ҳам муаллақ қолади. «Буни ҳозир санаб чиқиш қийиндир-ов? Солиқ идорасида ҳисоби юритилмаса? Майли сизга аниқлаб бераман!»

... Икки кундан сўнг оқсоқол билан учрашиб қолдим. «Ёзиб олинг, — дейди оқсоқол. — **Бугунда қишлоқ аҳолисида 1840 та фақат ўзимизда ишлаб чиқарилган «ДЭУ» русумли енгил машиналар бор!»**

Энди ўзингиз қиёслаб кўринг. Истиқлол замонасига келиб бир қишлоқда енгил машиналар сони 60 мартадан кўпроқ ошган.

Фаровонлик деб шуни айтадилар.

Мустақилликдан сўнг юртимиз — унинг кичик бир бўлаги қандай яшнаб кетгани, одамлар ўзига тўқ, бадавлат яшаётганини биргина шу мисол ҳам кўрсатмайдими?

...Иқтисодчилар кўпроқ рақамлар билан ишлашади. Ҳар қандай жамият тараққиёти ҳақида гап борганда қиёсий солиштирма рақамлар орқали асл ҳақиқатни ойдинлаштиради.

Рақамлар ёлғон айтмайдилар.

Эътиборингиз бўлса, ўзингиз яшаётган қишлоқдаги биз қизиққан шу саволлар ортидаги рақамларни бир ўрганиб кўринг.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хорижда

Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Мексикада бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирокчилар Фолкленд (Мальвин) ороллари бошқаруви Аргентинага қайтарилишини якдил қўллаб-қувватлади.

Мексика президенти Фелипе Кальдероннинг журналистларга берган интервьюсида айтишича, дейилади «Новости» АА хабарида, кейинги пайтларда айнан шу ороллар бошқаруви юзасидан Аргентина ва Буюк Британия муносабатларида муаммолар юзага кела бошлаган эди. Жорий йилнинг 22 февралида Буюк Британия Аргентинанинг қатъий норозилик билдираётганига



Ороллар қайтарилиши

қўллаб-қувватланди

қарамай Фолкленд ороллари нефть қазиб олиш ишларини бошлаб юборгани муносабатларни янада кескинлаштирди. Яъни Аргентина президенти Кристина Фернандес де Кришнер Фолкленд ороллари келаётган ҳар қандай денгиз юклари Аргентина назоратидан ўтиши ва махсус лицензия олиши шартлиги ҳақида фармон эълон қилди. Саммит иштирокчилари айнан шу кескинликни юмшатиш ва муносабатлардаги муаммоларни музокаралар йўли билан бартараф этишга ҳаракат қилди ва уларни муросага чақирди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу баҳсли масалада Америка Қўшма Штатлари Буюк Британияни қўллаб-қувватламаслигини билдирди. Куни кеча эса Аргентина ташқи ишлар вазири БМТ бош котиби Пан Ги Мун билан учрашиб, мазкур можароли вазиятни дипломатик йўл билан ҳал этишда БМТ воситачилик қилишини сўради.

Атлантика океани жанубида, Аргентина қирғоқларидан 500 километр узоқликда жойлашган Фолкленд ороллари XIX аср бошларида Аргентинага тегишли бўлган. У Аргентина анъаналарига кўра, Мальвин ороллари деб юритилган. Аммо 1833 йили Буюк Британия ороллари босиб олган. 1982 йили Аргентина ороллар устидан ўз назоратини ўрнатмоқчи бўлган ва бу ҳаракат икки давлат ўртасида қуролли тўқнашувларни юзага келтирган. Натижада Аргентина 649 нафар, Буюк Британия эса 255 нафар ҳарбийсидан айрилган.

Қуролли тўқнашувларда Буюк Британия ғолиб бўлган ва ороллар назоратини ўзида сақлаб қолган.

Аргентина ва Буюк Британиянинг дипломатик алоқалари 1990 йилда тикланган. Аммо расмий Буэнос-Айрес ороллар Аргентинага тегишли, деб ҳисоблайди.

Шу нарса аниқки, энди икки томон ўртасида қуролли тўқнашувлар келиб чиқмайди. Чунки саммитда икки томон ҳам бу борада ўз зиммаларига мажбуриятлар олди.

Чили зилзиласи

кўплаб инсонларнинг умрига зомин бўлди

Шанбага ўтар кечаси Чилида катта кучланишли зилзила юз берди. Сейсмологларнинг хабар қилишларича, унинг кучи 8,5 магнитудага тенг бўлди. АҚШ геология хизмати мутахассисларининг ҳисоб-китобича эса зилзила кучи 8,8 магнитудага етди.

Унинг эпицентри Чили пойтахти Сантьяго шаҳридан 317 километр, марказий шаҳарлардан бири Консепсьондан 115 километр узоқликда қайд этилди.

Чили давлат телевидениеси хабар беришича, бир қанча эски иншоотлар ва уйлар бузилган. Қурбон бўлганлар сони ортиб бормоқда.

Сантьяго аэропортига жиддий шикаст етганлиги туфайли барча парвозлар қолдирилди. Электр энергияси узатиш ва телефон тармоқлари алоқаларида узилишлар юз берган.

Ерости силкиниши натижасида Тинч океанида улкан цунами юзага келди. Бу хавф ҳақида Чилидан ташқари Перу, Эквадор, Колумбия, Панама ва Коста-Рика мамлакатлари ҳатто Япония аҳолиси ҳамда Антарктидада илмий кузатувлар олиб бораётган қутбчилар ҳам огоҳлантирилди.

АҚШ геология хизмати мутахассиси Брюс Пресгрэйвнинг «Sky News» мухбирига берган интервьюсида айтишича, Чили зилзиласи Гаити зилзиласидан анча кучли бўлган. Офат оқибати Гаитидагидан бир неча баробар ортиқ бўлиши мумкин эди. Лекин Чилидаги иншоот ва уйлар сейсмобардошли қилиб қурилгани учун ҳам вайронагарчилик ва қурбонлар сони кам бўлди.

Мутахассисларнинг гапларига қараганда, Чилида энг кучли зилзила ўтган асрнинг 1960 йилида юз берган. Ушбу 9,5 магнитудага тенг зилзила оқибатида 1655 киши ҳаётдан кўз юмган.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилоят бошқармасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида

Аниқ мақсад сари дадил одимлар

AGROBANK

Бошқарма ўтган 2009 йил мобайнида ўз асосий эътиборини банкнинг актив ва пассивларини мукаммал бошқариш, молиявий барқарорликни таъминлаш, банк ликвидлилиги ва даромадлилигини оптимал даражада сақлаш, банк таваккалчилигини оқилона, бозор муносабатлари қонуниятлари асосида бошқариш ҳамда келгусидаги йўналишларни белгилашга қаратди. Хусусан, бутун диққат эътибор банк капиталини кўпайтиришга йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга, шу жумладан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарга юқори сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этишга ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида кредит бериш ва уларни молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш йўлида астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Бошқарма 8 та туман филиали ва 13 мини банк орқали вилоятдаги қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар, бюджет ташкилотлари, кичик бизнес субъектлари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

2010 йил 1 январь ҳолатига банкнинг жами мижозлари 9 295 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич 2009 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 110 фоизга ошган.

Бошқарманинг туман бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларига, хусусан, чорвачилик, қоракўлчилик, паррандачилик, асаларичилик, боғдорчилик, иссиқхоналар ташкил этиш учун ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш мақсадида ўтган йил давомида имтиёзли ва банкнинг ўз маблағидан кредитлар ажратилди. Натижада вилоят қишлоқ ҳудудларида 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Масалан, Навоий шаҳар ҳудудий филиали мижози бўлган «Одил брок сервис» МЧЖга замонавий сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун ажратилган кредит натижасида 10 та янги иш ўрни яратилди. Корхонада ҳозир кунига 1 тонна сут ва сут маҳсулотлари қайта ишланиб, шаҳар аҳолисига етказилмоқда.

Президентимизнинг Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 2009 йил давомида жами 313 та кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредит ажратилди.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хотин-қизларга банкнинг молиявий кўмагида кредитлар ажратилди. Натижада жойларда 150 нафар хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди.



Экспорт корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, ҳудудларни ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларнинг молиялаштирилиши натижасида янги иш ўринлари сони ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ошаётир.

Бошқарманинг туман бўлимлари томонидан «Навоийдонмаҳсулотлари» ОАЖга қарашли корхоналарни модернизация қилиш учун, «Навоий Силк» қўшма корхонасига пилла маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун айланма маблағларни тўлдиришга йирик миқдордаги банк кредитлари ажратилди. Натижада 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари қишлоқ жойларда янги савдо дўконлари ва супермаркетлар қуриш ва таъмирлашни амалга ошириш мақсадида 2009 йил давомида 10 дан ортиқ мижозга кредитлар ажратилди ва янги замонавий савдо дўконлари ишга туширилди. Масалан, банкнинг Нурота филиали мижози «Фарҳод Яхши Ойгул» хусусий корхонасига мармар маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш учун банк маблағидан кредит ажратилди. Натижада ушбу корхона 2009 йилда 17 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни экспорт қилишга эришди.

Давлатимиз раҳбарининг Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш тўғрисидаги қарори талаблари бажарилиши бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. 2010 йил 1 январь ҳолатига жами депозитлар, шу жумладан аҳолининг жамғарма ва муддатли депозитлари 2009 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 145 фоизга ошди.

Вазирлар Маҳкамасининг пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича туман филиалларида 2009 йил 1 январь ҳолатига мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкаларнинг умумий сони 2010 йил 1 январь ҳолатига келиб 130 фоизга кўпайди. 2010 йил 1 январь ҳолатига пластик карточкалардаги маблағ қолдиғи ўтган йилга нисбатан 130 фоизга ошган.

Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони 2010 йил 1 январь ҳолатига 656 тани ташкил қилди.

Улар орқали амалга оширилган савдо айланмаси 2010 йил давомида ўтган йилга нисбатан 140 фоизга кўпайган.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Сирғали туманидаги 552-мактабгача таълим муассасасида бўлган киши беихтиёр болалигини қумсайди, яратилган шароитларни кўриб дили яйрайди. Бу ерда 240 нафар бола тажрибали педагог ходимлардан таълим ва тарбия олмоқда. Муассасада болалар учун нима зарур бўлса, барчаси муҳайё: кўргазмали воситалар, юмшоқ ўйинчоқлар-у қўғирчоқлар... Шунингдек, боғчада рус, инглиз тили ва рақс тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Маҳмуд ТОИР

Баҳор берар биз кутган бахтни

Ёлғон сўзлаб бўлмас баҳорда,
Дилга жойла шижоат, шахдни.
Яратгандан сўра наҳорда
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Майсаларга инимсан, дегин,
Бинафшага ширинсан, дегин.
Лолазорлар қошига келгин,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Сен тонглардан тумор тилагин,
Хуш елларни хумор тилагин.
Турналардан такрор тилагин,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Қалдирғочлар айтимини айт,
Қумриларнинг қайтимини айт,
Булбулларда асли баҳри байт,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Қизғалдоқлар афсунгар олов,
Тутамайин ёнади лов-лов.
Сен ундан ҳам сўра-да, бирров,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Ишонмасанг бобонгдан сўра,
Дуоси дур, момонгдан сўра.
Биз баҳорга етдик-ку, жўра,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Бойчечак



Абдусамиғ далага отланаркан, унга эргашувчи кўп бўлди. Бир вақт қараса, «Дамас» тўла ҳашарчи.

— Ҳамманг чиқиб олибсиз, бунга ўғит ортмоқчи эдим, — деди у машина олдига келиб.

— Тележка турганда, нега ўғитни бунга ортасиз?

— Келинпошша, ёмғир ёғиб қолса, тележкада ўғит расво бўлади-ку?!

Абдусамиғнинг онаси аралашгач, тортишув бошланди. «Дамас»дагилар умидсизланиб машинадан туша бошлашди. Унинг фиғони фалакка чиқди. Буёқда хотини, у ёқда онаси. Буни кампир дарров фаҳмлади.

— Брезент бор-ку, ўшани олиб чиқинглар, ёмғир ёғса ўғитнинг устига ёпасизлар, ёғмаса тагларингга солиб дам оласизлар.

— Дам олиш қаёқда, қанча иш бор, — деди у. — Ойи, сиз ҳам чиқинг, бир айланиб келасиз.

— Болам, мен ғаллазорни кеча айланиб келдим, ўша зовур тепасидаги пайкалда экиннинг ривожи яхши эмас, ишни ўша ердан бошланглар. Ўғитни қалинроқ сепинглар, зора, авж олиб кетса!

Қўшалоқ машина йўлга тушди. Кампир ҳассасига суяниб, қўлини белига қўйганча уларни кузатиб қолди.

Абдусамиғ машинани бир текис ҳайдаб бораркан, онасига қойил қолди. Унинг йўғида далага бориб, қайси пайкалда ғалла ривожи яхши, қайсида ёмон, кўриб келибди. Кечаси билан ҳаммани оёққа турғазди. Ишқилиб, омон бўлсин. Ҳамма нарсага улгуради.

У машинани секинлатиб, аста дала томон бурди. Орқадан келаётган тележкани кўриб севинди. Ямяшил ғаллазор. Ундан нарида — кўпчиган шудгор. Ҳавонинг тафтиданми, буғ кўтарилиб турибди. Йўл чеккасида, ўтлар орасида сапсариқ бойчечаклар кўзга ташланади.

— Бойчечак, бойчечак! — деб болалар чуғурлашди. — Тўхтанг, терамиз!

— Далада кўп, — деди у. — Ўша ерда терасизлар!

Машина дала шийпони олдида тўхтади. Ҳашарчилар ҳам пойлаб туришган экан, ўғитни тезда тушириб олишди. Иш бошланиб кетди. Оиланинг ҳамма аъзоси бир ёқда, ҳашарчилар иккинчи ёқда, қўл қўлга тегмайди.

«Ҳа бўл, ҳа бўл» қилиб тушликкача ўғитнинг ярмини сепиб бўлишди. Болалар бойчечак теришга киришди. Уларнинг қўлида даста-даста гул. Биттаси: «Мен ойимга олиб бораман», деса иккинчиси: «Мен бувимга», дейди.

Тушликдан кейин ёмғир томчилаб ишнинг белига тепди.

— Ёмғир ёғиши айни муддао бўлди-да, — деди кафтларини ишқалаб Абдусамиғ. — Дори сингади, экинга куч беради!

Яна одамлар машинага чиқишди, брезент тележкага ортилди. Шивалаб ёғаётган ёмғир уйга етиб келишганда бир оз тезлашди.

— Бойчечак-бойчечак! — деб болалар даста-даста гулни бувижонга тутишди.

— Бувижон бойчечакни қўлга олар экан, дили қувнади. Севиниб уни кўзига суртди. Шу кунларга етказганига шукр, деди...

Омонлиқ-сомонлиқ,
Ҳеч кўрмайлик ёмонлик.
Юртимиз обод бўлсин,
Хирмонлар донга тўлсин.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси.

СПОРТ ⇄ СПОРТ

Хайр, Ванкувер! Салом, Сочи!

Ванкувер (Канада)да XXI қишки Олимпия ўйинлари ниҳоясига етди. Унда ҳамюртимиз Анастасия Гимазетдинова муз устида нафис учиш баҳсларида жами 131,65 балл жамғариб, йигирма учинчи натижани қайд этди.

Тоғ чанғисининг гигант слалом йўналиши бўйича ўтган баҳсларда Ксения Григорьева юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Якунда у саксон олти спортчи ўртасида 58-поғонани банд этди.

Ванкувер олимпиадасининг хоккей бўйича эркаклар ўртасида ўтган учрашувлари муросасиз ва шиддатли кечди. Финалда мезбонлар АҚШ хоккейчиларига рўбарў келди. Учрашувнинг асосий вақтида кучлар тенг келди — 2:2. Натижада ғолиб номи «овертайм»да аниқланди. Унда омад канадаликларга кулиб боқди — 3:2. Словакия терма жамоасидан 5:3 ҳисобида устун келган финляндияликлар эса бронза медали билан тақдирланишди.

Эътиборлиси, қишки Олимпия ўйинлари тарихида илк маротаба Канада спортчилари умумжамоа ҳисобида энг кўп олтин медални қўлга киритишди. Улар жами 14 та олтин, 7 та кумуш ва 5 та бронза медалига сазовор бўлдилар. Кейинги поғоналарни Германия (10-13-7), АҚШ (9-15-13) ҳамда Норвегия (9-8-6) вакиллари эгаллашди.

Эслатиб ўтамиз, «Оқ олимпиада» баҳсларида дунёнинг саксон икки давлати спортчилари майдонга чиқишган бўлса, улардан фақат йигирма олти мамлакат вакилларига медаллар насиб қилди. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида эстафета байроғини Россия спорт делегацияси қабул қилиб олди. Энди навбатдаги қишки Олимпия ўйинлари 2014 йили Сочи шаҳрида бўлиб ўтади.

Океан ортидан медаллар билан

Лас-Вегас шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича АҚШ очиқ чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимиз спортчилари ҳам ғолиблик учун даянга чиқдилар.

Мусобақанинг аёллар ўртасидаги учрашувларида Осиё ўйинлари совриндори Евгения Каримова (+68 кг.) ўз вазн тоифасида финалгача барча рақибаларини мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда ҳамюртимиз мезбонлар вакили Миранде Хинричга қарши майдонга тушди. Якунда Евгения тажрибали рақибига очколар ҳисобида ютқазиб, кумуш медаль билан кифояланди. Бронза медаллари эса Колумбия ва Жанубий Корея таэквондочиларига насиб қилди.

Яна бир таэквондочимиз Дмитрий Ким (68 кг.) шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Эркин ХОЛБОБО

Баркамол авлод орзуси

Барча қулайликларга эга таълим даргоҳи

Самарқанд шаҳридаги Сиёб спорт педагогика коллежида 2031 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Уларга ўз касбининг тажрибали ва фидойилари бўлган 154 нафар ўқитувчи учта — жисмоний тарбия, болалар спорти, бошланғич ҳамда мактабгача ва оилавий таълим йўналишлари бўйича сабоқ бериб келмоқда.

— Таълим масканида жами 44 та хона бўлиб, уларнинг барчаси энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Иккита кимё, физика ва биология фанларига мослаштирилган лаборатория ҳамда 4 та лингафон хоналари талабалар билан доимо гавжум. Шу билан бирга ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада бойитишга хизмат қиладиган барча қулайликларга эга ахборот-ресурс маркази ва 4 та энг сўнгги кўринишдаги компьютерлар билан таъминланган информатика хоналари ўқувчилар ихтиёрида, — дейди коллеж директори Санобар Азимова.

Ўқувчилар дарсдан сўнг бўш вақтларида ўзларининг мутахассисликлари ва қизиқишларига қараб турли хил фан тўгаракларида шуғулланишади. Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган спорт залида турли мусобақалар уюштириб келинмоқда.

Коллеж спортчилари вилоят ва республика миқёсидаги турнирларда фаол иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишмоқда. Бундай муваффақиятлар ўз касбининг фидойилари бўлган ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати самарасидир, албатта.

Коллежда яратилган шарт-шароит билан танишиб, ўқувчилар сўзларини эшитиб, беихтиёр қувониб кетасан киши. Барча қулайликларга эга бўлган бу таълим масканида замон талабларига мос малакали мутахассислар тарбияланмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Халқаро эътироф асоси

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда. Тараққий топган кўпгина мамлакатларнинг тижорат банклари рейтинги тушиб кетди. Мана шундай оғир вазиятда мамлакатимиз банк тизими изчил ривожланаётгани бежиз эмас, албатта. Банкларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бир вақтнинг ўзида самарали банк назорати жорий этилиши муваффақиятлар эшигини очди. Ўзбекистон тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг компанияларининг ижобий баҳоларига сазовор бўлди. Кўпгина банклар «Фитч рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд пуарс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олди.

Бу — республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимоялганини кўрсатади.

Халқаро экспертлар эътироф этишича, яна бир омил бунда муҳим ўрин тутади. Бу — минтақа мамлакатларида биринчилардан бўлиб пластик карточка тизимининг жорий этилганидир. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қулай ва ишончли воситаси бўлган пластик карточка иқтисодиётнинг барча тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 6 апрелда қабул қилинган Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш тўғрисидаги қарори бунда асосий дастуриламал бўлди.

Юртимиздаги барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналари кассаларида пластик карточка орқали тўловлар қабул қилинмоқда, терминаллар сони ошмоқда. Бу эса маиший хизмат сифати тубдан яхшиланишига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, электрон тўлов воситаси ҳар томонлама қулай. Бундай тўлов туридан фойдаланувчи аҳоли сони ортиши нақд пулсиз ҳисоб-китоб кишиларимизга манзур бўлганидан далолатдир.

Тимур ҒАНИЕВ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати ҳамда Қорақалпоғистон республика партия кенгаши ЎзХДП Нукус шаҳар кенгаши раиси Саденбай Нурмановга онаси

Раима аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
16302 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.55
Topshirilgan vaqti — 00.45
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda